



Ўтган асрнинг йирик шахсларидан Алихонтўра Соғуний ҳазратлари ўткир зеҳн соҳиби, тарих илмининг, айниқса, Ислом тарихи ва Туркистон тарихининг зукко билимдонларидан эди. Сермазмун ҳаётининг охири 30 йили давомида Соғуний ёзиб қолдирган улкан илмий мерос ичида «Туркистон қайғуси» тарихий асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарда у зотнинг йигитлик ва қамолотга етган даври хотиралари асосида ўз эътиқоди, дунёқараши, Ватанимиз тарихи сабоқлари, кейинги авлодлар улардан қандай ҳулосалар чиқармоғи лозимлиги тўғрисида ўй-фикрлар ифодасини топган. Қуйида мазкур асардан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ватаним мени суймас экан, мен уни севганлигимдан, улусим мени танимас экан, мен уни таниганлигимдан, Ватан устида бўлаётган тарихий ўзгаришларни ва ҳам бунинг келажакдаги яхши-ёмон натижаларини кўрсатиб, Ватан болаларига улғу (намуна) бўлгудек, бошқалар ундан ибрат олгудек тарихий бир асар ёзишга киришдим. Бирок, мен

ёлгизгина исломпараст эмас эдим, балки яралишимдаёк инсонпараст эдим. Халкка кайси йўллик яхшилик кила олгайман деб, ёшлик-йигитлик даврларимни гам-гусса кунлари билан ўтказдим. Энди соч-соколим оқариб, қарилгим етди. Ёшим саксонга эришиб, ички-ташки кучларим орқага чекинди, қариллик юки остида букула туриб, олдимизда кўрина бошлаган ҳалокат чуқури яқинлашётганига чидаёлмай, келажак бўгин наслларимиз гамхўрлиги учун, ҳар ёқлама қийинчиликлар бўлса ҳам, шу тарихни ёзишга бошладим. Қаламим тилидан дардлик сўзларим қонлик кўз ёшима қўшилиб, бу китоб вараклари юзига тўкилмиш эди. Шунинг учун бунинг отини «Туркистон қайғуси» қўйдим...

Агар маданият деб қўринишда ободон, ҳақиқатда ҳароб, шу динсизлар, одоб-ахлоқсизлар (яъни, Оврупо) маданиятини айтадиган бўлсак, улуг хато қилган бўламиз. Чунки дунёдаги борлик нарсалар инсон турмушига ёрдам етказиш учун яратилмишдир. Бузук маданиятда эса, аксинча, инсонлар ул нарсалар учун қурбон қилинади. Маданият тараққиётининг илгари-кейин чиқараётган бутун янгиликлари инсон ҳаётини яхшилаш учун хизмат қилиши лозимдир. Ҳаёт оламида энг улуг, олий даражалик яратилган нарса, шубҳасиз, шу инсондир. Шунинг учун инсон ҳуқуқларини энг юқори даражада сақлаш ҳақиқий маданиятнинг айрилмас тармоғидир...

Агар қўлида шароит бўлатуриб, бир қонуний мамлакатда ўз қонуний ҳаққига эга бўлолмаганлар қишлоқ шарафидан ажраган, инсоният ҳаққини танимаган, одам суратлик ҳайвонлардир. Чунки шароити топилса ҳам, ўз ҳаққига етолмаслик эса ожизлик устига ишга ярамаслик демакдир. Бундай одамларни ўтган донишмандлар мисол келтириб, оғзидаги нонини итга олдириган қўл-оёғи соғ, қуроллик қишга ўхшатадилар.

Мана шунинг учун пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом умматларини тубандаги уч нарсадан бек (қаттиқ) сақланишга буюрмишдир: ожизлик, қўрқоқлик, қанғасалик. Шароити бўлатуриб, ўз ҳаққига эга бўла олмаган қишми арабчада «ожиз» дейилади. Қиш нима нарсадан қўрқса, шу нарса қўрқувчи бошига бало бўлиб, анинг олдида мағлубиятга учрайди. Қўрқоқлар қўп яхшиликдан қуруқ қоладилар. «Қани соғ бўлса ҳам, бекорчи, қанғаса одамлардан Қудо безор», дедилар Пайгамбаримиз алайҳиссалом. Яна Пайгамбаримиз айтишларича, ҳар бир ақли бор одамлар ўз ҳолатларини текшириб туришлари, ўз қанғасига тўлиқ, яхши тушунишлари, албатта, лозимдир».

Мухаммад Собир тайёрлади